



Zarafshon

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

Fidoyilik —
vatanga xizmat demak!

2022-yil 19-may, payshanba,
57 (23.624)-son

**КУН
ҲИКМАТИ**

Меҳмонга
борганда
ўзингизнинг эмас,
мезбоннинг вақти
ва шароити билан
ҳисоблашинг.
Ҳатто ўзи
таклиф қилган
булса-да

www.zarnews.uz | https://www.facebook.com/zarnews.uz | @zarnews_uz | https://twitter.com/zarnews_uz

Президент фармонига кўра

Тиббиёт ходимлари маоши оширилди

Давлатимиз раҳбарининг 17 май куни қабул қилинган "Тиббиёт муассасалари ходимларини моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига кўра, 2022 йил 1 июндан бошлаб давлат тиббиёт муассасалари тиббиёт, фармацевтика ва бошқа ходимларининг ойлик лавозим маошлари:

олий ва биринчи малака тоифаларига эга бўлган тиббиёт ва фармацевтика ходимлари учун – **15 фоизга**;

иккинчи малака тоифасига эга бўлган ва тоифага эга бўлмаган, шунингдек, бошқа тиббиёт ва фармацевтика ходимлари учун – **10 фоизга**;

тиббиёт муассасаларининг бошқа ходимлари учун – **15 фоизга** оширилади.

Ходимларни моддий рағбатлантиришга ажратилган маблағлар ҳисобидан давлат тиббиёт муассасасининг юқори малакали, алоҳида натижага эришган, ҳалол ва виждонан ишлаётган тиббиёт ҳамда фармацевтика ходимларига ойлик лавозим маошининг **100 фоизгача** ҳамда бошқа ходимларга **75 фоизгача** ойлик устамалар;

янги иш бошлаган салоҳиятли ёш шифокорларга **1 миллион сўмгача** махсус ойлик устамалар;

оилавий шифокор пунктлари, оилавий поликлиникалар ва кўп тармоқли марказий поликлиникаларда кундузги стационар иш вақтини соат 20:00 гача узайтириш ҳисобига иккинчи сменада ишловчи шифокор ҳамда ҳамшираларга

лавозим маошининг **30 фоизгача** ойлик қўшимча устамалар тўлаб берилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган рўйхатга мувофиқ, юқори технологик мураккаб операцияларни бажарган шифокор-хирурглар лавозим маошининг **25 фоизи** миқдорда қўшимча устама жорий этилади.

2022 йил 1 сентябрдан бошлаб давлолаш-профилактика муассасаларининг ходимларига уларнинг тиббиёт соҳасида ва меҳнат фаолиятида илми ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасини инобатга олган ҳолда, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан фан доктори (Doctor of Science) илмий даражаси учун лавозим маошининг **60 фоизгача** ва фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун лавозим маошининг **30 фоизгача** миқдорда ҳар ойлик қўшимча ҳақ тўланади.

Барча тиббиёт ходимлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан дастлабки ва даврий тиббий кўриқдан бепул ўтказилади.

2022 йил 1 июндан бошлаб вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан, шунингдек, хорижий давлатлардан Қорақалпоғистон Республикасининг Тахтакўпри, Чимбой, Қораўзақ, Бўзатов, Шуманай, Қўнғирот туманларига бориб ишловчи шифокорларнинг ойлик лавозим маошига дастлабки **уч йил давомида 100 фоиз**, Мўйноқ туманида эса **200 фоиз** миқдорда қўшимча ҳар ойлик устама тўловлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланади.

Вилоят ҳокимлигида Россия Федерациясининг Бошқирдистон республикаси раҳбари Радий Хабиров бошчилигидаги делегация билан учрашув ўтказилди.

Вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов Самарқанд ва Бошқирдистон ўртасида азалий дўстлик алоқалари мавжудлигини қайд этиб, кейинги йилларда савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ҳудудларнинг фаол иқтисодий алоқалари туфайли Самарқанд вилояти ва Россия Федерацияси минтақалари ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми ўтган йил 393 миллион доллардан ошди. Жумладан, Бошқирдистон республикаси билан 4,5 миллион долларлик экспорт-импорт операциялари амалга оширилди.

– Айни пайтда Бошқирдистон билан қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, илм-фан, туризм ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантириш учун улкан имкониятлар мавжуд, – деди Э.Турдимов. – Бундан тадбиркорларимиз самарали фойдаланишлари лозим. Шу мақсадда ҳамкорликда бизнес-форумлар ўтказиш учун бошқирдистонлик ишбилармонлари Самарқандга таклиф этилди.

Радий Хабиров вилоят ҳокимининг бу таклифини маъқуллаб, Ўзбекистон Республикаси Россия Федерациясининг асосий савдо-иқтисодий ҳамкорларидан бири эканлигини таъкидлади. Кейинги пайтда икки мамлакат минтақалари ўртасида ривожланиб бораётган кўп қирралли алоқаларни янада кенгайтириш мумкинлигини қайд этди.

БОШҚИРДИСТОН билан ҳамкорлик ривожланади



– Биз Самарқанддан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилишга катта қизиқиш билан қараймиз, – деди Р.Хабиров. – Ўз навбатида биз ҳам қуруқ сут, кунгабоқар ёғи ва бошқа маҳсулотларни, шунингдек, қишлоқ хўжалик техникалари ва замонавий

технологияларини етказиб беришга, илмий ишланмалар бўйича ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. Самарқандда бугун санат анча ривожланган, бу борада ҳам биргаликда ишлаш икки томон учун манфаатли бўлади. Учрашувда ўзаро ҳамкорлик алоқалари

рени янада ривожлантириш мақсадида Бошқирдистон ва Самарқанд вакилларидан иборат доимий ишчи гуруҳ тузишга қарор қилинди. Самарқандга ташриф давомида меҳмонлар вилоятдаги санат қорхоналари фаолияти билан ҳам танишди.

Маҳалладаги сайловда сенатор қатнашди

Вилоятимизда маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови давом этмоқда.

Кеча 218 маҳаллада раис сайланди. Тойлоқ туманидаги "Эски Жума" маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам маҳалла раиси сайлови бўлиб ўтди.

Раисликка номзодлар - Ҳайрат Каримов ҳамда Гулҳумор Сатторова вакиллари сайловолди дастурлари билан таништириди. Шундан сўнг



сайловчилар яширин овоз бериш йўли билан ўзлари

муносиб деб билан номзодга овоз берди. 272 нафар вакил

қатнашган сайлов овоз бериш натижаларига кўра, Гулҳумор Сатторова 52 фоиз овоз билан маҳалла раиси этиб сайланди.

Маъқуллаб маҳалладаги сайлов жараёнларини Сенат ҳузурдаги республика кўмаклашувчи комиссияси аъзоси, сенатор Наримон Умаров кузатиб борди. Юртимизда ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ислохотлар, сайлов жараёнлари ҳақида аҳолига маълумот берди.



МАҲАЛЛАБАЙ ИШЛАШ САМАРАСИ

Бу йил юртимиздаги маҳалла фуқаролар йиғинлари ташкилий тузилмаси ва фаолиятида бир қатор ўзгаришлар амалга оширилди. Маҳаллаларда ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли лавозимлари жорий этилди. Айти пайтда эса фуқаролар йиғини раиси сайлови давом этмоқда. Тез орада бу жараён ҳам якунига етиб, маҳаллалар янги асосда иш олиб боради.

Албатта, бу янгилик ва ўзгаришлар аввало, ҳудудлар ривожига хизмат қилиши, аҳоли турмуш тарзи, ҳаётида ўз аксини топиши лозим.

Вилоятимиздаги 1126 маҳаллада ҳам бугун тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартиришга энг устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

(Давоми 2-саҳифада) >>>



НОВЧАНДИР нинг муаммоларига қачон ечим топилади?

Таҳририятимизга Паст Дарғом тумани Новчандир маҳалласидан шикоят хати келди.

"Кўп йилдан буён маҳалламиз маркази йўқ, – дейилади маҳалланинг ўндан ортқ фуқаролари номидан А.Қурбонов, Р.Ўзиев, Б.Исломов йўллаган шикоятда. – Маҳаллага қирадиган асосий йўлимиз ёзда чанг, қишда лой бўлади. Кудук қазиб, 3-4 метрдан олинандиган сувни ичяпмиз. Бор инфекция ернинг шу қатламида жойлашган, лекин бошқа имконимиз йўқлиги учун истеъмол қилишга мажбурмиз. Маҳаллада бирорта тадбиркорлик, маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, хаттоки, сартарошхона йўқ. Маҳалламиз эски бинода фаолият юритади, лекин 20 сотихча очик майдон бор. Шу ерни тадбиркорларга бериб, маҳалла биноси, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этса бўлади-ку. Маҳалламизда 360 хўжалик бор ва 1970 йилда ўрнатилган битта трансформатордан фойдаланамиз. Эски симёғочлар синиб кетяпти. Туман электр тармоқлари қорхонаси масъулига айтдик, аммо натижа йўқ".

Муржаатни ўрганиш учун Новчандир маҳалласида бўлди.
– Ҳақиқатдан ҳам тоза ичимлик суви,

йўллари таъмирлаш, эски симёғочларни янгилаш бўйича муаммолар бор, – дейди Новчандир маҳалла фуқаролар йиғини раиси Асрулла Шарипов. – Бундан 50 йиллар олдин ўрнатилган эски симёғочлар эскириб, аҳоли хонадонлари устига қулаб тушган ҳолатлар ҳам бўлди. Тоза ичимлик суви йўқлигидан ернинг биринчи қатламидаги сувни истеъмол қиламиз. Бир неча маротаба сув таркибини текширишганда истеъмолга яроқсиз, деб топишган, лекин бошқа манба йўқ. Туман электр тармоқлари қорхонаси Жума бўлими устаси Шокир Эшмонов маҳаллада электр таъминотида аҳволнинг ёмонлиги ҳисобга олиниб, симёғочларни алмаштириш ва қўшимча трансформатор ўрнатилиш жорий йил иккинчи чорак учун белгиланган дастурга киритилганини айтмоқда.
– Новчандир маҳалласида 8 километр 700 метр ички йўл мавжуд ва 2021 йилда ҳашар йўли билан 1 километр йўлга тош тўшалган, 1 километр йўл маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан асфальтланган, – дейди туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Бегзод Жўраев. – Жорий йилги дастурга таклиф берилган ва маблағ ажратилса, 2,5 километр йўл шағаллаштирилади. Маҳалланинг қолган ички йўллари ҳам босқич-

Бир шикоят изидан

ма-босқич шағал тўкилади.
"Самарқанд сув таъминоти" масъулияти чекланган жамияти Паст Дарғом туман филиали бошлиғи Б.Худойназаровнинг маълумотига кўра, маҳаллада 2285 нафар аҳоли истикомат қилади. Шундан 950 нафар аҳоли марказлашган ичимлик суви билан таъминланган ва 1335 нафар аҳоли ичимлик сувини ташиб келиб, истеъмол қилади.
Аҳолининг сув таъминотини яхшилаш учун 2 дона янги сув иншооти ва 6,2 километр ичимлик суви тармоғини тортиш талаб этилади.
Бошқа лойиҳалар кечикаётганини тушуниш мумкин, аммо аҳоли истеъмолга яроқсиз сув ичиб, турли юқумли касалликларга чалинса, бунинг жабри кимга бўлади? Туман масъулари шу маҳалла каби сув таъминоти энг оғир ҳудудларни биринчи навбатда дастурга қўймайдими? Юқорида масъулларнинг фикрлари ҳам "дастурга киритамиз, таклиф берамиз"дан нарига ўтмади. Амалий ишдан эса дарак йўқ.
Маъқуллаб муржаатни ўрганиш давомида масъуллар муаммоларга ечим топишни билдирганди. Орадан бир ойдан ортқ вақт ўтди. Маҳалла раиси Н.Шариповнинг айтишича, шу вақтда туман электр тармоқлари қорхонаси маҳаллага 10 дона бетон устун келтирибди, холос. Вилоят ҳокимининг ташаббуси билан сектор раҳбарлари бошчилигида барча ички йўллarga тош ётқизиляпти. Ушбу маҳалла тўртинчи секторга бириктирилган, лекин маҳалла бундай ташаббусдан четда қолганга ўхшайди. Шу боис маҳалла раиси аҳоли билан келишиб, 15 майгача ички йўллarga ҳашар йўли билан 40 машина тош тўктирибди.

Ў.ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Б.МУСТАНОВ (фото).

МАҲАЛЛАБАЙ ИШЛАШ САМАРАСИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Жорий йилнинг тўрт ойида оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида **8316 та жисмоний ва юридик шахсга 232,5 миллиард сўм кредит ажратилган**. Шунингдек, **1444 та фуқарога 1,8 миллиард сўм субсидия берилган**. Масалан, Каттакўрғон тумани Омонбойқўприк маҳалласи ҳоким ёрдамчиси Самариддин Ходиев тавсияси асосида маҳаллада яшовчи Абдуғаффор Шариповга метални қайта ишлаш фаолиятини йўлга қўйиши учун "Агробанк" АТБ ҳудудий филиали томонидан 225 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилган. Ушбу фаолият йўлга қўйилиши ҳисобидан 8 нафар ишсиз фуқаро бандлиги таъминланди.

Алоҳида таъкидлаш лозим, тегишли банклар томонидан ажратилаётган микрокредитлар маҳаллада бирор фаолиятни йўлга қўйиш, шу билан оила аъзолари ёки 3-4 фуқаронинг бандлигини таъминлаш имконини берапти. Масалан, Нуробод тумани Оксоя маҳалласи ҳоким ёрдамчиси Соҳибжон Тоғаев тавсияси билан маҳаллада яшовчи Амин Аксакаловга нововойлик фаолиятини йўлга қўйиши учун "Агробанк" ҳудудий филиалидан 3 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Ушбу кредит ва А.Аксакаловнинг 5 миллион сўм ўз маблағи ҳисобидан маҳалла марказида нововойхона ишга туширилиб, оиласи даромад манбаига эга бўлди.

Вилоятимизда ҳоким ёрдамчилари томонидан аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида олиб борилган ишлар натижасида 2022 йил апрель ойида **14 956 нафар аҳоли бандлиги таъминланди**. Уларнинг 2 100 нафари доимий ишлар, 12 537 нафари ўзини-ўзи банд қилиш ва 319 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди.

Хусусан, Қўшарбот тумани Қийқим маҳалласида ишсиз фуқаро Маҳбуба Аминова хунармандчиликнинг миллий либослар тайёрлаш фаолияти тури бўйича давлат рўйхатидан ўтиши юзасидан кўмак сўраган. Ҳоким ёрдамчиси Абдурауф Исмоилов унга йўл-йўриқ кўрсатиб, фаолият бошлашига ёрдам берди. Натижада маҳалладаги 13 нафар ишсиз фуқаро ишли бўлди. Туманинг Пичот маҳалласи ҳоким ёрдамчиси Азамат Рустамов кўмаги билан маҳаллада яшовчи Зебо Жўраева ҳамда Лола Тошназаровага тикувчилик ва тўқувчилик фаолиятини йўлга қўйиши учун маҳалла биносидан хона ажратилди. Натижада 3 нафар фуқаро бандлиги таъминланди, қолаверса, бу ерда ижтимоий дафтларларда турувчи 40 нафардан зиёд хотин-қизларга бепул касб-хунар ўргатилмоқда.

Бу ушбу тизимнинг самарали фаолиятини тасдиқловчи биргина туман мисолида эришилган натижалар. Вилоят миқёсида олганда, барча туманларда бу каби ишлар-

ни қўллаб мисол келтириш мумкин.

Ҳоким ёрдамчилари фаолият бошлаб, хонадонларни хатловдан ўтказиш жараёнида маҳаллалар инфра-тузилмасига ҳам эътибор қаратилди. Вилоятдаги 473 та маҳаллада сув таъминоти ва сўғориш тизими, йўл, электр энергияси, табиий ва сунутирилган газ билан таъминлаш масалаларида муаммолар борлиги аниқланиб, маҳаллалар кесимида "Йўл харитаси" ишлаб чиқилди. Ушбу йўл хариталарида белгиланган вазифалар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Ургут туманидаги учинчи секторга қарашли Мўминобод маҳалласида 1 километр ички йўлларга тош-шағал ётқизилди, 5 километр янги сув тармоғи тортилди, 1 та янги сув иншооти қурилди ва 2 та мавжуд сув иншооти таъмирланди, буларга жами 2,5 миллиард сўм маблағ сарфланди. Электр таъминоти бўйича ҳудудий электр тармоқлари АЖнинг 184,9 миллион сўм маблағлари ҳисобидан 1,3 километр электр тармоғи тортилди, 1 та янги 160 Квт ли нинстанция ўрнатилди. Каттакўрғон тумани Олмазор маҳалласида 2 километр йўл асфальт қилинган ҳамда маҳаллага янги трансформатор ўрнатилди. Найман маҳалласида 1 та янги трансформатор ўрнатилди ва 3 километр йўлга шағал ётқизилди ҳамда 2 километр ичимлик суви тортилиб, аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Маҳалла ихтисослашувини қўллаб-қувватлаш, жумладан, деҳқончилик ва боғдорчиликка ихтисослашган **51 маҳаллада "лидер" тадбиркорлар** орқали ривожлантириш бўйича амалий ишлар бошланди. Хусусан, Пайарик тумани Деҳқонобод маҳалласи ҳоким ёрдамчиси Содик Холбўтаев тавсияси билан "Файзулла бобо сервис" оилавий корхонаси томонидан майизни қайта ишлашга мўлжалланган ко-операция ташкил этилди. Лойихага "Халқ банки"нинг туман филиали томонидан 580 миллион сўм кредит ажратилиб, 38 нафар фуқаро бандлиги таъминланди. Бир ойда бир оила ўртача 1,5 тонна майиз тозалаш ҳисобида 2 -2,5 миллион сўмгача даромад оляпти.

Чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичиликка ихтисослашган 700 га яқин маҳаллаларда ушбу йўналишда амалий ишлар олиб бориляпти. 611 та маҳаллага 1387 та инкубатор, 481 та маҳалладаги 1,6 мингта хонадонга 20-100 тадан жами 103 195 та хонаки товуқ, 211 та маҳалладаги 339 та хонадонга 6614 та асалари уяси, 505 та маҳаллада 1861 та хонадонга 20 535 бош қўй ва эчки, 174 та маҳаллада 287 та хонадонга 6675 бош қўён тарқатилди.



Хунармандчилик, тикувчилик, косибчилик, қандолатчилик каби уй шароитидаги кичик ишлаб чиқариш лойиҳаларини маҳалланинг ўзида кенгайтириш мақсадида 44 та маҳаллага туташ ҳудудда микро марказ ташкил этиш ишлари бошланди. Шундан 5 таси ишсизлик даражаси юқори бўлган Ургут туманидаги Ғўслик ва Қуллолик маҳаллаларида ташкил этилмоқда.

Ҳоким ёрдамчилари томонидан **400 га яқин бўш биналар** аниқланиб, уларнинг негизига **100 дан орტიқ кичик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш** амалга ошириляпти. Хусусан, Ургут тумани Дўстлик маҳалласи ҳоким ёрдамчиси Илҳом Асқаров аниқлаган маҳалла марказидаги бўш турган бино ҳомиёлар томонидан таъмирланди. Ушбу бинода ишсиз фуқаро Азизжон Қўйсинов касб-хунарга ўқитилиб, унга "Микрокредитбанк"нинг туман филиалидан 33 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилиш орқали темирдан уй-рўзгор буюмлари ясаш бўйича хунармандчилик фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу хунармандчилик цехида А.Қўйсинов 3 нафар ишсиз ёшларга устоз-шогирд тамойили асосида касб-хунар сирларини ўргатмоқда.

309 та маҳалла хизматлар соҳасига ихтисослашган бўлиб, апрель ойининг ўзида аҳолиси кўп қишлоқларда шаҳарлардаги мавжуд хизматларни имкон қадар йўлга қўйиш мақсадида аҳолиси 20 мингдан ошадиган 3-4 та маҳалла учун камида 1 тан маҳаллалараро чакана савдо ва хизмат кўрсатиш марказларини ташкил этиш бўйича **73 та лойиҳа ташаббускорлари аниқланди**. Нарпай тумани Чорбоғ МФЙда ташаббускор Наврўз Тўйинов томонидан машиий хизмат кўрсатиш фаолияти йўлга қўйилиб, 4 нафар ишсиз фуқаро бандлиги таъминланди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, маҳаллаларда ҳоким ёрдамчилари фаолият бошлаши фуқароларга манзилли кўмак бериш, уларни ишбилармонликка жалб қилиш орқали камбағалликни қисқартириш, бу орқали умумий фаровонликни таъминлашга эришиш кўзда тутилган.

Жамшид ЎРОҚОВ, вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси бошлиғи.

Президентимизнинг шу йил 25 апрелда имзоланган "Бирламчи тиббий-санитария ёрдами аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори аҳолига кўрсатилётган бирламчи тиббий-санитария ёрдамнинг сифатини яхшилаш, тиббиёт ходимларини қўллаб-қувватлаш ва фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Тиббиёт тизими раҳбарлари маҳаллий Кенгашларда ҳисобот беради

Жумладан, ҳудудларда оилавий шифокор пунктлари тармоғини янада кенгайтириш учун 2023 йил 1 январдан бошлаб ҳудудда ортиқча вазндан халос бўлиш, тўғри овқатланиш тамойилларига риоя этиш, жисмоний фаолликни ошириш, инфаркт, инсульт, қандли диабет, онкология каби касалликларнинг олдини олиш бўйича кўрсаткичлар асосий мезонлар бўлиб хизмат қилади.

Хар олти ойда ижобий кўрсаткичларга эришган тиббиёт ходимлари рағбатлантирилиб, энг яхши натижа кўрсатган тиббиёт муассасаси мукофот ва қимматбахо совғалар билан тақдирланади. Ушбу тизим 2023 йилдан бошлаб босқичма-босқич барча ҳудудларда жорий этилади.

2022 йил 1 сентябрдан бошлаб, туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаси, оилавий поликлиникалар ҳамда оилавий шифокор пунктлари мудирлари маҳалла фуқаролар йиғинларида, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларида ҳамда вилоят солиқни сақлаш бошқармалари раҳбарлари халқ депутатлари вилоят Кенгашларида ҳисобот бериши тартиби

пунктлари ва оилавий поликлиникаларнинг иш самарадорлигини баҳолаш бўйича янги рейтинг тизими жорий этилади. Бунда ҳудудда ортиқча вазндан халос бўлиш, тўғри овқатланиш тамойилларига риоя этиш, жисмоний фаолликни ошириш, инфаркт, инсульт, қандли диабет, онкология каби касалликларнинг олдини олиш бўйича кўрсаткичлар асосий мезонлар бўлиб хизмат қилади.

Хар олти ойда ижобий кўрсаткичларга эришган тиббиёт ходимлари рағбатлантирилиб, энг яхши натижа кўрсатган тиббиёт муассасаси мукофот ва қимматбахо совғалар билан тақдирланади. Ушбу тизим 2023 йилдан бошлаб босқичма-босқич барча ҳудудларда жорий этилади.

2022 йил 1 сентябрдан бошлаб, туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаси, оилавий поликлиникалар ҳамда оилавий шифокор пунктлари мудирлари маҳалла фуқаролар йиғинларида, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларида ҳамда вилоят солиқни сақлаш бошқармалари раҳбарлари халқ депутатлари вилоят Кенгашларида ҳисобот бериши тартиби

жорий этилади. Албатта, бу тизим ҳам соҳа раҳбарларининг ўз фаолиятига бўлган масъулиятини ошириш билан бирга, ҳудудий кенгашларнинг аҳолига кўрсатилган тиббий хизмат ҳамда унинг ҳолатидан доимий равишда хабардор бўлиб, аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш имконини беради.

Шунингдек, 2022 йил 1 ноябрга қадар давлат томонидан аҳолига бепул кўрсатиладиган тиббий хизматлар ва берилмайдиган дори воситалари ҳажми тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш имконини берувчи мобил илова яратилиб, ишга туширилади. Ушбу мобил илова фуқароларга тиббий хизматдан фойдаланишда аниқ йўналиш ва маълумотга эга бўлиш имконини беради. Сабаби, сўнгги вақтларда аҳолига бепул кўрсатилган лозим бўлган тиббий хизматлар билан боғлиқ қўллаб тушунмовчиликлар юзага келаётган эди.

Қарорда белгиланган вазифаларнинг соҳага татбиқ этилиши мамлакатимиз тиббиёти янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Музаффар АБДИЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

БИЛАСИЗМИ?

2024 йил 1 июлга қадар асосий фаолият тури паррандачилик бўлган тадбиркорлар учун асосий фаолият тури бўйича фойда солиғи (тижорат банкларида жойлаштирилган маблағлардан олинган фоизлардан ташқари), мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси 50 фоиз миқдоридан қўлланилади.

27 минг фуқаронинг пенсияси кўпаяди



2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида 2023 йилнинг 1 январидан бошлаб ҳақини ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдори пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг ўн баробаридан ўн икки баробаригача оширилиши белгиланган.

Маълумки, ҳозирда пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун ўртача иш ҳақи пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 10 баробаридан ортиқ бўлмаган миқдорда ҳисобга олинб, пенсия тайинлаб келинган. Мисол учун, фуқаро Нормаматов Абубакирнинг иш стажи 40 йил бўлиб, унинг ўртача ойлик иш ҳақи 5 миллион сўмни ташкил қилади. Унинг пенсия миқдорини ҳисоблашда ойлик иш ҳақи 10 баробар билан чегараланган, яъни пенсия ҳисоблашнинг базавий миқдори 2021 йилнинг 1 сентябрь ҳолатида 289 минг сўм этиб белгиланган бўлиб, унинг 10 баробари 2 миллион 890 минг сўмни ташкил қилади. Бундан пенсия миқдори (2890000*70 фоиз = 2 миллион 23 минг сўм) 2 миллион 23 минг сўмни ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 апрелдаги Фармони билан пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори 324 минг сўм этиб белгиланганлиги сабабли унинг 10 баробари 3 миллион 240 минг сўмни ташкил қилади ва пенсия миқдори 2 миллион 268 минг сўмни ташкил қилади. Келгусида ушбу чегара 10 баробардан 12 баробаргача кўтарилиши белгиланган ва тегишли тартибда ҳуқуқий норматив ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан пенсияни ҳисоблашда ўртача ойлик иш ҳақи қайта ҳисоб-китоб қилинади. Ана шунда пенсия миқдори 3 миллион 721 минг 600 сўмни ташкил қилади.

Бугунги кунда вилоят бўйича 27279 нафар фуқаро ушбу тоифада пенсия тайинланганларни ташкил қилади. 2023 йилнинг 1 январидан уларнинг пенсия миқдорлари қайта ҳисоб-китоб қилинганда 1000 сўмдан 486 минг сўмгача ошиши мумкинлиги тахлилда кўриниб турибди.

Ш.ФАЙЗУЛЛАЕВ, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси вилоят бошқармаси шўба мудир.

ТОЙЛОҚДА 10 МИНГ НАФАР АҲОЛИ ИЛК БОР ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ

Тойлоқ туманидаги 50 маҳалланинг 12 таси тўлиқ марказлашган ҳолда ичимлик суви билан таъминланган. 28 маҳалла аҳолиси қисман таъминланган бўлса, 10 маҳалла аҳолиси техник сувдан истеъмол қилади.


Туманда истиқомат қилувчи 205 мингдан зиёд аҳолининг 57 фоизи марказлашган ҳолда тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлиб келмоқда, - дейди "Самарқанд сув таъминоти" МЧЖ туман филиали раҳбари Исроил Юсупов. - Жорий йилнинг охирига қадар бу кўрсаткич 62,6 фоизга етказилади. Бунинг учун жорий йилда инвестиция ва "Обод қишлоқ" дастурлари асосида 20,4 километр ичимлик сув ва оқова тармоғи тортилди, 3 та сув иншооти реконструкция қилинади. Натижада 5,2 минг нафар аҳолининг ичимлик суви таъминоти яхшиланади.

Ўтган йили туманда 23,5 километр янги сув тармоғи тортилди. - Ҳудудимиздаги Украсч ва Эшон қишлоқларида 6200 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади, - дейди "Украсч" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Намоз Абдурахмонов. - Кейинги 20 йилда барча қишлоқларимиздаги ичимлик суви миноралари қаровсиз қолиб, тармоқлар ишдан чиққан эди. Кўпчилик энди сув бўлмас экан, дея қувурларни ҳам узиб ташлаганди. 80 фоиз хонадонда кўлбола "қачалка" ва сув насослари ўрнатилиб, 7-8 метр ер остидан сув тортиб ичишди. Кейинги уч йил давомида аҳолини марказлашган ичимлик суви билан таъминлаш яхшиланмоқда.

"Самарқанд сув таъминоти" МЧЖ туман филиали ишчилари томонидан мазкур маҳалладаги 2 та сув минораси, 6,7 километр сув тармоқлари реконструкция қилинди. Жорий йилнинг ўтган даврида яна 1 сув минораси ўрнатилиб, 600 метр сув қувури тортилди.

- Маҳалламиздаги 186 та хонадон ичимлик суви билан таъминланмаган, - дейди украчлик Муҳаммад Аҳмедов. - Бунинг учун 4 минг метр сув тармоғи тортиш зарур. Ҳозирча ҳашар йўли билан 22 миллион сўм сарфлаб, сув минорасини таъмирлади. Аммо сув насосининг кучи чекка хонадонларга етмаяпти. Шунинг учун сувтаъминот туман филиалидан кўмак сўрагандик, ёрдам берамиз, деб ваъда беришди.

Туманда марказлашган сув билан таъминланган аҳоли хонадонларида ҳисоблагич ўрнатиш ишлари суств кечмоқда.



Туман аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режасида 41 та лойиҳа кўзда тутилган. Бунинг учун 51,1 миллиард сўм маблағ сарфлаш режалаштирилган.



Филиалнинг 8700 нафардан ортиқ истеъмолчиларидан 1478 тасида ҳисоблагичлар қўйилган, холос. - Аҳолининг сув ҳисоблагичларни ўрнатмаслиги катта муаммоларга олиб келяпти, - дейди филиал бош муҳандиси Сирож Йўлдошев. - Кўпчилик сув ҳисоблагич давлат томонидан қўйилади, деб ўйлайди. Аммо табиий газ ва электр энергияси истеъмолчиларига бўлган имтиёз бизга берилмаган. Яъни, аҳолининг ўзи туман давлат хизматлари марказидан рўйхатдан ўтиб, ҳисоблагич сотиб олиши керак. Мутахассисларимиз эса ўрнатиб беришади.

Бугунги кунда тумандаги 129 та сув иншоотининг 17 таси яроқсиз ҳолатга келиб қолган. 214 километр сув тармоғининг 60 километри таъмирталаб. Ўлжа маҳалласи Масжид қишлоғида ҳашар йўли билан сув иншооти қурилган бўлса-да, бироқ хонадонларга 1400 метр масофада тармоқ тортилмаган. Тумандаги Хўжаюз, Найман, Ворсин, Шопўлот, Зарафшон, Давлатобод, Адам, Дўстлик, Олмазор ва Чорбоғон маҳаллаларидаги 24 та сув иншооти насослари таъмирланди. Бироқ аҳолининг айтишича, уларнинг ҳаммаси ҳам тўлақонли ишламаяпти. Давлатобод, Адам, Дўстлик маҳаллаларидаги янгиланган сув насослари барча хонадонларга сув етказиб бериш қувватига эга эмас. Айниқса, ўтган асрнинг 60-70 йилларда тортилган сув тармоқлари эскириб, яроқсиз аҳволга келиб қолган. Энг ёмони, марказлашган сув иншоотлари кунига икки марта - эрталаб ва кечқурун бир соатдан ишлатилаётган экан. Буни мутасаддилар электр энергиясидан қарздорлик ошиб бораётганлиги билан изоҳлади. Маълумотларга кўра, бугунги кунда мазкур идоранинг туман электр тармоқлари бўлимида 634 миллион сўмдан ортиқ қарзи мавжуд экан.

Мазкур лойиҳаларда маҳаллаларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш билан бирга, оқова тизимларини ҳам ривожлантириш кўзда тутилган. Жумладан, 2023 йилда Чароғон ва Боғичинор маҳаллаларидаги кўп қаватли уйларнинг канализация тармоқлари янгиланиб, оқова сув ҳайдаш насос станцияси қурилса, 2024 йилда Сочак массивида 1 та сув тозалаш иншооти қуриши ва 2 километр масофада сув оқова тармоқлари тортиш режалаштирилган. Шунингдек, 2025-2026 йилларда Боғиозгон ва Адам шаҳарчаларида ҳам худди шундай объектлар қуриш мўлжалланган.

Дилмурод ТЎХТАЕВ, "Зарафшон" муҳбири.



АСКАР

бўлишнинг бир кунлик завқи



Ўқувчилар ҳарбий қисмда бўлишди

Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисмда шундай шиор остида "Очиқ эшиклар кунини" тадбири ўтказилди.

Унда Ургут туманидаги 16, 15, 20, 119, 126-умумтаълим мактабларидан 150 нафардан ортиқ ўқувчи, чегарадаги маҳаллаларда истиқомат қилувчи ёшлар иштирок этди.

Тадбирда ўқувчи-ёшлар ҳарбий қисмдаги маънавият ва маърифат, Амир Темури хоналари, спорт майдончалари, қурол-аслаҳалар, ҳарбий техникалари кўздан кечириб, ҳарбийлар бажараётган масъулиятли вазибалар ҳақида маълумотга эга бўлишди.

Шунингдек, улар иштирокида китобхонлик кечаси, спортнинг шахмат ва шашка ҳамда мини-футбол турлари бўйича мусобақалар ташкил этилди.

Сардор ОТАҚУЛОВ.

Лицензиялашда овозагарчилик бўлмайди

Мамлакатимизда тадбиркорлар фаолиятига тўсиқ бўлувчи бюрократияга барҳам бериш, хусусан, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш тартибини содда-лаштириш ҳамда уни коррупциядан холи тизимга айлантириш мақсадига қатор ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилди. Ҳукуматнинг жорий йил 21 февралдаги "Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори ҳам айни мақсадга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.



Янги низомга асосан, 28 та лицензияланадиган фаолият турларининг паспорти тасдиқланди. Жорий йилнинг 1 мартдан бошлаб бу фаолият турлари бўйича аризалар "Лицензия" ахборот тизими (license.gov.uz) орқали электрон тарзда, дам олиш ва байрам кунларидан қатъи назар, бир кунда 24 соат давомида қабул қилиниши йўлга қўйилди. Бу билан фуқароларнинг давлат органларига бориши, навбатда вақт йўқотишига чек қўйилди.

Ҳаммади асосан, 28 та лицензияланадиган фаолият турларининг паспорти тасдиқланди. Жорий йилнинг 1 мартдан бошлаб бу фаолият турлари бўйича аризалар "Лицензия" ахборот тизими (license.gov.uz) орқали электрон тарзда, дам олиш ва байрам кунларидан қатъи назар, бир кунда 24 соат давомида қабул қилиниши йўлга қўйилди. Бу билан фуқароларнинг давлат органларига бориши, навбатда вақт йўқотишига чек қўйилди.

Вилоятимизда 150 хилдан ортиқ ўсимлик зараркунандаси бор(ми?)

Вилоятимизда 34 та биологическая фаолият юритмоқда. 2022 йилги мавсумда улар экинлар зараркунандаларига қарши фойдаланиш учун 469 килограмм трихограмм, 321 миллион дона олтинкуз, 291 миллион дона бракон биомажбуриятни кўпайтириши режалаштирилган.



Вилоят матбуот уйида ўсимликлар карантини агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи Аҳбор Бобоқулов журналист ва блогерларга вилоятимизда учрайдиган ўсимликлар касалликлари, зараркунандалар, уларга қарши кураш чоралари ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишлар ҳақида маълумот берди.

Боғларга зарар етказувчи ҳашаротларнинг кўпайиши учун қўлай бўлганлиги тўғрисида боғларда кўп зараркунанда кузатилади. Вилоятимизда 1472 гектар боғнинг 297 гектари "Гилос пашшаси", 170 гектари "Олма меваҳури" ва 192 гектар майдон "Шарқ меваҳури" зараркунандаларига қарши назоратдан ўтказилди. Назоратда Пахтачи туманида 4 гектар майдон зарарлангани аниқланиб, кимёвий, вилоят бўйича 47 гектар майдонда биологик усулда кураш олиб борилди.

Мевали боғларга зарар етказувчи 150 хилдан ортиқ зараркунанда ва касаллик мавжуд, - дейди А.Бобоқулов. - Юртимиз иқлим шароити мевали

Ҳамдам ака курсимизга ҳарбий хизматдан кейин келиб қўшилган эди. Ёши катта бўлса-да, бизга ўзининг тенгдошларидай муомала қилар, "ака" десак, баъзан хафа бўлгандай "Бирга ўқиганимиздан кейин ҳаммаимиз тенгимиз, мени ҳам сенлаб гапираверинглар", дерди. Ҳамдам Мирзаев ана шундай камтар, олижаноб инсон эди.

Инсондан эзгу амал қолади

У 1943 йил Паст Дарғом тумани Чандир қишлоғида Худойберган Мирзаев хонадонидан дунёга келди. Худойберган бобо фарзандларида илгарақ ҳавас уйғотди, турмуш ўртоғи Рухсат Мирзаева билан 12 нафар фарзандни оқ ювиб, оқ тарари. Ҳамдам ана шундай кўпфарзандли, зиёли оилада улғайди.



У мактабни аёло баҳоларга тамомлаб, Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультетига ўқиди. Университетни 1971 йилда имтиёзли диплом билан битириб, 1976-1983 йилларда Қашқадарё вилоятининг Нишон туманида чўл худудларини ривожлантириш ва пахта етиштиришга ҳисса қўшди.

27-умумий ўрта таълим мактабларида ёшларга таълим-тарбия берди. Касбини севганидан бор меҳрини мактабга берди. Педагогик жамоада ҳурмат, иззат топди. Унинг таълимни олган ёшлар бугун жамиятда ўз ўрнига эга.

Биз Ҳамдам ака билан бирга чўл худудларини обод қилишда меҳнат қилардик, - дея эслайди унинг қашқадарёлик ҳамкасби Жўракул Уринов. - Ўша пайтлар у киши Қашқадарё хўжалиқлари чўл худудларини ривожлантириш, сановат хонадон бўлган пахта ҳосилини етиштириш бўйича ер майдонлари бажарувчиси лавозимида ишларди. Мен эса бригадир эдим. Ҳамдам ака тиним билмасди, меҳнатсевар, ишбилармон эди. Давлатга пахта топшириш режасини ортиғи билан бажаргани учун Нишон тумани ҳокимлиги Ҳ.Мирзаевага "Нива" рўсумли автомобиль ҳам соғва қилганди. У кишидан ҳам ишда, ҳам ҳаётда кўп ибрат олдим.

Ҳамдам Мирзаев меҳрибон оила бошлиғи эди. Турмуш ўртоғи Норхон Мирзаева билан 4 ўғил, 3 қизни воёга етказди. Уларни ўқимишли, эл қорига ярайдиган инсонлар қилиб тарбиялади. Бугун унинг фарзандлари халқ таълими соҳасида башарали меҳнат қилиб, ота касбини давом эттиряпти.

Меҳрибон, очкиқўнғил, одамлардан ёрдами аямасди. Қашқадарёдан қайтгач, Паст Дарғом туманидаги 45 ва

2020 йил Ҳамдам Мирзаев оғир хасталиқдан вафот этди. Инсон бу дунёдан ўтганидан кейин ундан қоладигани хайрли амали ҳамда у таълим берган қобил фарзанд ва шоғирдлари экан. Демак, қалбимизга таскин берувчи илинж бор - бугун улар қилаётган ҳар бир эзгу ишдан дўстимиз руҳи шод бўлишдан умидворимиз.

Раҳим ЖўРАБОВ, Абдуфаттоҳ ШЕРМАТОВ.

REKLAMA, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tekzor, samarali va hamyonbop / MUHOJAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд вилоят адлия бошқармасидан 2016 йил 4 майда 209 реестр рақами билан рўйхатга олинган Ўзбекистон ИТИЧ, савдо ва хизмат кўрсатиш ходимлари касабга уюшмасининг "Самарқанд-Жомбой Шароб" масъулияти чекланган жамиятидаги бошланғич касабга уюшма кўмитаси (СТИР: 303926220), кўмитанинг 2022 йил 18 майдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилмаган барча эътирозлар газетда эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти, Жомбой тумани, Тошкент кўчаси, 1-уй.

Самарқанд шаҳридаги "OIL AND PARTS" хусусий корхонаси (СТИР: 308460657) ва Тошкент шаҳридаги "OILS AND CAR PARTS" масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 308440530) Самарқанд шаҳридаги "ZERO AND ONE" хусусий корхонасига (СТИР 308803347) кўшилмоқда. "ZERO AND ONE" хусусий корхонаси "OIL AND PARTS" хусусий корхонаси ва "OILS AND CAR PARTS" масъулияти чекланган жамиятининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Шу муносабат билан унга билдирилмаган барча даъволар газетда эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд шаҳри Набиев кўчаси, 6-уй.

Жомбой туманидаги "KELAJAK BU HAKAKAT" масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 308212022) ўзининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари (актив ва пассивлари) билан унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланган "MANGIT GOLD SERVIS" масъулияти чекланган жамият (СТИР: 307764509) таркибига бириштирилмоқда. Шу муносабат билан унга билдирилмаган барча эътирозлар газетда эълон чоп этилган кундан бошлаб, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Жомбой тумани Саричашма маҳалласи, Манғит қишлоғи, 110-уй.

Пайриқ туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Мухаммадиев Фарход Жўрақулович нотариал идорасида марҳум Иуляхшиев Абдурашидга (2005 йил 15 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мухаммадиев Фарход Жўрақулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайриқ тумани Челақ шаҳарчаси, Истиқлол кўчаси, 76-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Раҳимова Комила Фахриевна нотариал идорасида марҳум Орипов Октама (2016 йил 2 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Раҳимова Комила Фахриевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 64-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Қадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасида марҳум Ахроров Бахронга (2013 йил 26 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат

билан меросхўрларнинг Қадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Фирдавсий кўчаси, 96-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Раҳимова Комила Фахриевна нотариал идорасида марҳум Муқомов Джуракулга (1987 йил 13 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Раҳимова Комила Фахриевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 64-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Раҳимова Комила Фахриевна нотариал идорасида марҳум Улмазова Қаноатга (2021 йил 15 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Раҳимова Комила Фахриевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 64-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Раҳимова Комила Фахриевна нотариал идорасида марҳум Мустафаев Раҳмонга (2020 йил 13 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Раҳимова Комила Фахриевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 64-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Раҳимова Комила Фахриевна нотариал идорасида марҳум Жамолова Сафия Самиевнага (2020 йил 12 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Раҳимова Комила Фахриевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 64-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Юсупова Дилсура Хасановна нотариал идорасида марҳум Данияров Бегмуродга (2013 йил 11 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Юсупова Дилсура Хасановна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 64-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Муртазаев Шерзод Собирович нотариал идорасида марҳум Шукуров Раҳмат Ахмедовичга (1995 йил 2 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Муртазаев Шерзод Собирович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 64-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Норқулов Алишер Тошболтаевич нотариал идорасида марҳум Хамраева Рохила Хуррамовнага (2021 йил 4 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Норқулов Алишер Тошболтаевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абу Райҳон Беруний кўчаси, 12-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Жўраев Камолиддин Мухиддинович нотариал идорасида марҳум Мамедов Эркин Якубовичга (2018 йил 31 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолиддин Мухиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Шаманов Юлдаш Шамановичга (2006 йил 27 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ Самарқанд шаҳридаги "SAM ANTIK INVEST" хусусий корхонасининг (СТИР: 302036443) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги "JYONANKOTSU" масъулияти чекланган жамият қўша корхонасининг (СТИР: 305707998) "Ҳужжатлар учун" ёзувли муҳри йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Иштихон туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабидан 2005 йилда Холиқов Хуршид Иброҳимович номига берилган О'Р-А № 755586 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Иштихон туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабидан 2005 йилда Нурматов Дилшод Мухиддинович номига берилган О'Р-Ш № 0252031 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Иштихон туманидаги 35-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Жамшидов Сўҳроб Зокир ўғли номига берилган UM № 0501579 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Булуғтур туманидаги 36-ўрта мактабдан 1993 йилда Раҳимов Ражаб Асадович номига берилган АУ № 150881 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Баҳмал туманидаги 44-ўрта мактабдан 1973 йилда Ҳамдамова (ҳозирда Хужақулова) Мунаввар Махрамовна номига берилган А № 315880 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Булуғтур туманидаги 55-тўлиқсиз ўрта мактабдан 1992 йилда Хуразов Ибрагим Абдуллаевич номига берилган А № 214008 рақамли тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Булуғтур туманидаги 1-ўрта мактабдан 1994 йилда Хуразов Ибрагим Абдуллаевич номига берилган А № 499782 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома (аттестат) йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд туманидаги 42-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Тухтамишева Султонпошшо Нодировна номига берилган UM № 0531038 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайриқ туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабидан 2010 йилда Қаршиев Ғиёсидин Сайимович номига берилган U № 4287006 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Нарпай туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактабидан 2021 йилда Ғайбуллаев Жавлон Ёдигар ўғли номига берилган UM № 0955031 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 21-умумий ўрта таълим мактабидан 2009 йилда Жабборова Шахло Толибовна номига берилган U № 3662882 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Сиёб тиббиёт коллежидан 2010 йилда Нуриллаева Фарангиз Бахтиёровна номига берилган рўйхат рақами 1031, К № 1689806 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳар маиший хизмат касб-ҳунар коллежидан 2013 йилда Нуриллоев Фиружон Бахтиёрович номига берилган рўйхат рақами 3152, К № 2955264 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Нуробод сановат касб-ҳунар коллежидан 2007 йилда Наркулова Мўтабар Ораловна номига берилган рўйхат рақами 4925, К № 659902 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд қишлоқ хўжалик техникумидан 2001 йилда Урунова Дилором Рустамовна номига берилган рўйхат рақами 122592, № 913803 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги "DALER DEVELOPMENT" масъулияти чекланган жамияти номидан фуқаро Нарматов Камолиддин Бердиёрович ва Деҳқоннов Азиз Муродимовичлар ўртасида 2021 йил 29 майда Самарқанд шаҳри, Рудакий кўчаси, 187 "А"-уйнинг 33-хонадонини учун тузилган, Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна томонидан тасдиқланиб, 2407 рақам билан реестрга киритилган тураржой олди-соти шартномасининг асл нусхаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.



Амир Темури ва ижтимоий бошқарув

“Темури тузуқлари”ни ўрганар экансиз, унда давлат бошқаруви барча соҳаларини ривожлантириш бўйича аниқ кўрсатмалар борлигига гувоҳ бўласиз. Жумлалар, унинг “Салтанатни ўз эркинда сақлаш учун амал қилган тузугим” дея номланган махсус бобида соҳибқирон давлат бошлиғи олиб бориши лозим бўлган сиёсат, эътибор қаратилиши керак бўлган муҳим масалаларга тўхталасиз.

Амир Темури аввало, халқ манфаатларини кўзлаб сиёсат юритишга ҳаракат қилган. У жамият ҳаётига дахлдор ҳар қандай масалани ечишда ўзига яқин кишилар, дин ва илм аҳли, шу соҳанинг билимдонлари билан кенгашиб иш юритган. “Темури тузуқлари”да ҳам бу масалага алоҳида тўхталиб, кенгашишнинг ижтимоий-сиёсий аҳамиятини ҳар тарафлама асослаб берган. Таниқли олим Д.Логафет “Темури тузуқлари”ни таҳлил қилар экан, “Европада конституция ҳақида оддий тушунчага ҳам эга бўлишмаган бир даврда, унинг давлатида конституциявий қонунлар мажмуаси – “Тузуқ” мавжуд бўлган”, дейди.

Амир Темури тарихни, хусусан, қадимги давлатчилик тузилмаларини ўрганишга қизиққан. Шу боис Ўрта аср Шарқ мамлакатларининг сиёсий ҳақда маъмурий идора усуллари, бошқарув шакллари ҳақида кенг тасаввурга эга бўлган. Бу унга ўз давлатини бошқаришда самарали усуллари кўллаш, тарихий тажрибадан фойдаланиш имконини берган. Хусусан, Амир Темури бу жараёнда ўзига қадам мавжуд бўлган давлатчилик шаклларининг саккизта асосига амал қилган:

- давлат сиёсий жиҳатдан мустақил бўлиши;
- давлат ва жамиятнинг сиёсий яхлитлиги бузилмаслиги;
- давлат ва жамият муайян қонунлар, тартиблар, мафкура асосида бошқарилмоғи;
- бошқарув тизимини мувофиқлаштириш турувчи қондилар шакланган бўлиши;
- жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар

аҳволи давлат эътиборида бўлиши;

- фан ва маданият равнақи тўғрисида доимий қайғуриш;
- ҳар бир давр шарт-шароити, тартибларига кўра, давлат жамият ички тараққиёти масалаларини ташқи дунёдаги мавжуд омилилардан фойдаланган ҳолда олиб бориш;
- давлат тепасидаги кучлар ўтмиш, замона ва келажакни теран тафаккур, мустаҳкам иймон, ғоят юксак маънавият ва миллатпарварлик ила англамоғи.

Бундан ташқари, у давлатчиликнинг тўққизинчи асоси, “жамият ривож ва барча ижтимоий табақалар манфаатларини таъминлаш”ни яратди. Шунингдек, соҳибқироннинг тузуқларида жамиятни мустаҳкамлаш, ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш йўллари хусусида ҳам қимматли ўғитлар мавжуд.

Амир Темурининг тарихдаги яна бир хизмати шундан иборатки, у давлатчиликнинг бошқарув тизими, ички ва ташқи сиёсатининг тартиб-қоидалари, ҳуқуқий асосларини тарихий шароитга мослаб борган. Айна мақсадда унинг ташқи ва ички фавақулда воқеалардан воқиф этиб турувчи минг нафар пиёда, минг нафар туя минган, минг нафар от минган чопарлари бўлган. Бутун салтанат бўйлаб бир кунлик йўл оралигида ёмхоналар ташкил этилган. Ҳар бир ёмда 50-200 бошдан улов сақланган. Шу йўл билан у бутун салтанатни боғлаб турувчи тезкор ахборот алмашинуви тармоғига асос солган.

Аслиддин САФАРОВ, Регистон ансамбли гитар бўлими бошлиғи.

Бугунги кунда таълим тизимини ривожлантириш, ўқитувчилар салоҳиятини ошириш долзарб масалалардан бирига айланди. Замонавий ўқитувчи қандай бўлиши керак, дарсларни қандай ташкил қилиш керак, деган саволлар кун тартибидан тушмай қолди.

Замон талабларига жавоб бера оладиган дарсни ташкил қилиш учун ўқитувчи олдида бир қатор вазифалар турибди. Бир соатлик дарс жараёнида ўқувчиларга фақат маълум мавзу бўйича билим бериш, тушунтириш билан чекланувчи илгариги ўқитувчидан бугунги ўқитувчи қайси жиҳатлари билан фарқ қилиши лозимлиги соҳанинг долзарб масаласи ҳисобланади.

Туманимиздаги 55-умумий ўрта таълим мактабда ўтказилган “Бирлашиб юксалмоқ юксалиб бирлашишдан кўра яхшидир” мавзусида ташкил этилган маҳорат дарси маркази масалаларга маълум даражада ойдинлик киритди.

- Бу маҳорат дарсини ташкил этиш

Бирлашиб юксалмоқ

юксалиб бирлашишдан кўра яхши

билан ўқувчиларнинг умумтаълим фанларини ўзлаштиришда халқаро тадқиқотларга тайёрлаш, фанлар бўйича узвийликни таъминлаш ҳамда ўқувчиларнинг ижодий фикрлашларини бойитиш орқали мактабда олган билимларини мустақил ҳаётда қўллаш олишларига кўмаклашиш мақсад қилинган, дейди мактаб директори Д.Ҳайитова. – Аввало, бу дарснинг ноодатий тарзда ташкил этилиши барча иштирокчиларда, айниқса, ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди. Дарснинг ноодатий тарзда ташкил этилиши ва бугунги кунда таълим жараёнидаги технологиялардан фойдаланиш билимга чанқоқ ўқувчиларимизнинг креатив фикрлашларига имкон яратибди амалда ўз исботини топди.

Дарс жараёнида танланган мисоллар ҳаётий бўлиб, улар ўқувчиларга ҳаётда муаммолар вазиятларда қандай йўл тутиш лозимлигини ўргатади, матнлар таҳлили нутқий, математик саводхонликни оши-

ришга йўналтирилганлиги билан аҳамиятли. Дарсда таҳлилга тортилган “Бирлашиб юксалмоқ юксалиб бирлашишдан кўра яхшидир” матнининг математик исботи сифатида $2^3+4^3=72$; $(2+4)^3=216$ мисолининг жавобини топиш орқали ўқувчиларнинг психологик, мантикий ва ижодий фикрлаши аниқланди. Муаммолар ечимини топишда ўқувчиларнинг бирлашиб ҳаракат қилиши илмий юксалишни таъминлаши, турли матнларни таҳлил қилиш ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиши борасида фикр алмашилди.

Мактабда ўтказилган бу тадбир таълим жараёнида маҳорат дарсларини кўпроқ ташкил этиш ўқувчилар билиминини мустаҳкамлашдан ташқари, фан ўқитувчиларининг ўз устида ишлашлари лозимлигини кўрсатди.

Дарҳақиқат, маҳорат дарсларида ўқитувчида аввало, педагогик қобилият бўлиши ва у тобора ривожлантириб

борилиши лозим. Маҳорат дарсларида ўқитувчининг мулоқот маданиятини эгаллаган бўлиши дарс самарадорлигини таъминлашнинг муҳим омил ҳисобланади. Чунки дарс жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида дўстона муносабатнинг ўрнатилиши, ўқувчиларга педагогик таъсир кўрсатиш муаллим коммуникатив қобилиятининг асосий усули саналади.

Таълимда мулоқот маданиятининг юқори бўлиши ўқувчиларда шарқона миллий тарбия ва маънавий маданиятнинг ривожланишига хизмат қилади. Бу дарс жараёнида ўқитувчининг мулоқот асосида синф жамоасини бошқаришда ҳам муҳим ўрин тутди.

Бундан ташқари, ўқитувчининг таълим-тарбияда компьютер имкониятидан фойдалана билиши ва амалиётга татбиқ қилиши ўқувчиларнинг мустақил фикрлаши, ижодкорлик хусусиятларининг ривожланишида муҳим ўрин тутди.

Жавоҳир ЖУМАЕВ, Нуробод туманидаги 55-мактаб ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиси.

“Туркийларга дўст тутинмоқ учун уларнинг тилида сўзлашмоқ керак”

2000 йил бошида Самарқанд шаҳрининг рамзи сифатида аэропорт йўли бўйида ва бошқа тарихий масканларда йўлбарс ҳайкали қўйилди. Бу тимсол олимлар, кенг жамоатчиқ ўртасида баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Вилоят ҳокимлигида ушбу мавзу бўйича йиғилиш ўтказилиб, йўлбарс тимсолини одамларга тушунтириш, Мувароунахрда ва унинг қадим шаҳарларида бу тимсол довурак, қўрқмас, ҳайвонлар подшоҳи тимсоли сифатида қўлланиб келингани айтилди. Шердор мадрасаси пештоқидаги йўлбарс ва оҳу тимсоли тарихийлиги эсга олинди.

Ушбу тимсол ҳақидаги баҳс-мунозара ва тортишувларга илмий жиҳатдан ойдинлик киритиш мақсадида вилоятнинг ўша пайтдаги раҳбари топириғига биноан Имом Бухорий масжиди имоми, вилоят бош имом-хатиби Усмонхон Алимовдан (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин!) бу ҳақда динимиз аҳкомларида нима дейилганини тинглаб ўрганиладиган бўлди.

Филология фанлари доктори, профессор Иноятулла Сувоқулов (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин!) билан Имом Бухорий масжид-мажмуасига бордик.

- Яқинда туркиялик зиёратчи, турколог олим келиб, Махмуд Кошғарийнинг Анқарада нашр этилган турк ва ўзбек тилларидаги “Девону лугатит-турк” асарини масжидимизга совға қилганди, - дея гап бошлади Усмонхон домла. – Ушбу асарда йўлбарс рамзига чиройли ташбеҳ келтирилган. Яъни, қадимда подшоҳлар кучли, қўрқмас йўлбарс тимсолини ўз мамлакатларининг энгилмас, азму шижоати рамзи сифатида сарой пештоқида, давлат байроқларига муҳрланганлар.

Шунга аҳамият беришимиз лозимки, “Девону лугатит-турк” қорахонийлар даврининг ноёб дурдонаси. Қадимий турк ёзуви, турк лаҳжаси, туркий халқлар яшайдиган ҳудудлар, тоғлар, денгизлар, ҳайвонот ва наботот олами кўрсатилган ягона тарихий манба.

Махмуд Кошғарий 1080 йилларда Бухорода илм олиб, араб ва форс тилларини ўрганди. У ўзини ўғуз қавми – тилларига мансуб инсон деб биларди. Шунинг учун у ўғуз (хоразмча “ховва” дегани), кипчак, қарлук уруғи лаҳжаларини ўрганади. Қайси манзил ёки қишлоққа борса, ўша жой одамларининг тили, шеvasи, лаҳжасини ўзлаштириб, кўрган ва эшитганларини ёзиб боради. У ўзининг ўн тўрт йиллик сафари даво-

мида туркий қавмлар яшайдиган қишлоқларни тадқиқ қилади, одамлар билан сўхбатлашади - 6800 та туркий сўзни шарҳлайди. Натияжада туркий тилларнинг дурдона асари “Девону лугатит-турк” дунёга келади.

Халифаликнинг аббосийлар ҳукмдорлиги даврида араблар “Девону лугатит-турк”ка эҳтиёж сезади. Араб амалдорлари туркий тилни билишимиз зарур, чунки дунёнинг турли минтақаларида яшаётган туркий олим ва уламолар ақл-заковати олдида бошимиз эгилиб қолмаслиги учун бу тилни ўрганишимиз керак, деб ҳисоблайди. Шундай қилиб, аббосий халифалар ва араблар туркий тилни ўргана бошлайди ҳамда асарни араб тилига таржима қилади.

Асарда соф туркий сўزلардан таркиб топган 300 та мақолда кўтарилган ғояларга араблар ҳам амал қила бошлайди. Яна бир жиҳати, катта ҳудудда яшаган туркий халқлар орасида 7200 дан зиёд мақол ва иборалар муомалада бўладики, бундан араблар ҳайратга тушади. Китоғба шарҳ ёзган араб олимлари 5400 та мақолни изоҳлайди. Мақол, матал тарзидаги 240 та шёарий парчаларни таржима қилади. Асарда таъкидланган уй ҳайвонлари, чорвачилик, минералогия, ҳуқуқшунослик, тиббиёт, ҳарб илми, аҳоли яшаш тарзи, урф-одати, уй-рўзгор буюмлари ҳақидаги батафсил маълумотларни, 40 та элат ва қабила номларини ўрганади.

“Девону лугатит-турк”да Кошғарий шундай дейди: “Мардлар билан уришма, тортишма”, “Урушда ғолиб бўлмайди, мағлуб ҳам. Негакки, ғолиб томон ҳам лашкар йўқотади”, “Туркийлар билан дўст тутинмоқ учун унинг тилида сўзлашмоқ керак”.

Убайдулла СИРОЖЕВ, журналист.

➡ Mening fikrim

Keyingi yillarda yuqori sinf o'quvchilarining repetitora qatnashi ommalashmoqda. O'z-o'zidan savol tug'iladi: o'quvchi o'n bir yil davomida o'qib o'zlashtirilmagan bilimni 2-3 yil ichida qanday o'rganadi? Yo'q, bu shunchaki odamlar ongiga singib borayotgan fikr. Bunda o'n bir yil davomida maktablarda 'lim-tarbiya berib kelayotgan o'qituvchilarni ayblash mutlaqo xato.

O'n bir yillik ta'lim afzalmi yoki repetitor?



Мактаб о'qituvchisi faqatgina bir sinfning sanoqli o'quvchisiga muntazam ravishda, hafta davomida dars o'tmaydi. Ya'ni, 30-35 nafar o'quvchidan iborat 5-6 ta sinfga kiradi. Bu esa taxminan 150-200 nafar o'quvchi va shuncha fe'l-atvorga ega o'rganuvchi degani. Afsuski, bular qatorida "tarbiyasi og'ir" o'quvchilar ham bor.

Bundan tashqari, o'qituvchilar zimmasiga dars o'tishdan boshqa vazifalar ham yuklatilgan. Jurnal to'ldirish, daftar tekshirish, to'garak mashg'ulotlari, ota-ona va dars tahlili hujjatlari, turli xil tadbir, yig'ilishlar va shunga o'xshash vazifalar.

Pullik kurslarda bir sinfda 20-25 nafar o'quvchiga dars o'tiladi. Dars vaqtini repetitor o'zining kun tartibiga ko'ra belgilaydi va uning zimmasida hech qanday mayda-chuyda vazifalar bo'lmaydi.

Masalan, maktabda tarix fanidan dars beradigan o'qituvchining oylik maoshi o'rtacha 2-3 million so'mdan oshmaydi. Bu daromad ichida hujjatlar tayyorlash, sinf devoriy gazetalari va boshqa kichik yumushlar uchun xarajatlar ham bor. Ammo o'qituvchi sinf uchun zarur bo'lgan biron buyumni sotib olish uchun o'quvchilardan pul so'rashi mumkin emas. Uning sha'niga "Yana pulmi?", "O'qituvching puldan to'yadimi, o'zi?", "Shuncha pulni nima qilayapti?" kabi norozilik ohangidagi fikrlar aytiladi.

Repetitora esa ota-onalar bir oyda bitta fan uchun kamida 250 ming so'mdan haq to'laydi. Farzandi nechta fandan repetitora qatnashiga qarab, bu miqdor oshib, bir oyda 1-1,5 million so'mgacha boradi. Qizig'i, ota-onalar bu pullarni o'qituvchidan ham, farzandidan ham qizg'anmaydi.

Muhim masalalardan yana biri ota-ona farzandini repetitora berish payti hamma narsaga rozi bo'ladi. Ya'ni, "Eti sizniki, suyagi

bizniki" degandek. Biroq ota-ona maktab o'qituvchisining bola tarbiyasini ko'zlab bergan yengilroq tanbehini ko'tara olmaydi. Shu zahoti maktab ma'muriyatidan o'qituvchiga nisbatan chora ko'rishni talab qiladi.

Repetitor bilan ota-ona hamkorlikda ish tutadi va o'quvchidan har qanday qiyinchilikka bardosh berishni talab qilishadi. Bunday vaziyatda o'quvchining bor e'tiborini o'qishga qaratishdan boshqa yo'li qolmaydi.

Xo'sh, qadrlil ota-onalar, qachongacha maktab ta'limi bepul bo'lgani uchun uni nazar-pisand qilmay, pul sarflayotganimiz uchun repetitor qarshisida qulluq qilamiz? Qani bu yerda siz aytgan adolat?!

Bu fikrlar bilan repetitorning mehnatini yo'qqa chiqarishga, uni yomonotliq qilishga urinayotganimiz yo'q. Gap adolat tarozisini to'g'ri qo'yishimizda. Aslida maktab o'qituvchisining har kunlik zahmatini tanlangan, saralangan o'quvchilarga dars o'tadigan repetitorning mehnati bilan aslo taqqoslab bo'lmaydi. Buning ustiga, o'sha tanlangan, saralangan o'quvchilar, hatto repetitorning o'zi ham maktab o'qituvchisining sochi oqarishida "barakali hissa qo'shganini" aslo unutmashligimiz kerak.

Ulug' bobomiz Alisher Navoiy "Haq yo'linda kim sanga bir harf o'qitish ranj ila, Aylamak bo'lmas ado oning haqin ming ganj ila", deganlarida ana shu adolat tarozisini nazarda tutgan bo'lalari, ajab emas.

Sitorabonu NURIDDINOVA, Buxoro davlat universiteti jurnalistika fakulteti talabasi.

Ижодий-маданий тарғиботчилар

бир йилда нимага эришди?

2021 йил апрель ойида мактабларда ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчилар ўз фаолиятини бошлаган эди. Мана орадан бир йил ўтди. Хўш, уларнинг тарғиботлари қандай самара беряпти?

Буни Кўшработ тумани мисолида кўрадиган бўлсак, аксарият мактабларга янгича муҳит, ижодкорлик нафаси кириб келди. Тасвирий санъат, музика, театр, журналистика соҳаларига қизиқувчи ёшлар сафи кундан-кунга кенгайиб борапти. Кўшработлик ижодкорлар Тўлқин Сиддик, Мирзохид Шавкат ва Дилноза Ҳасанова ташаббуси билан “Илк қадам”

номли шёарий тўплам чоп этилди. Бу чекка ҳудудларда ижод қилаётган янги истеъдод эгаларини топиш ва уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган хайрли ишлардан бири бўлди. Мамлакатимиз бўйлаб ўтказилган “Энг фаол ижодий-маданий тарғиботчи” республика танлови мактабларда фаолият олиб бораётган тарғиботчиларнинг бир йил давомида эришган ютуқлари ва йўл қўйган камчиликларини намоён этди.

Танловнинг туман босқичида ижодий-маданий тарғиботчилар фаолият бошлагандан то бугунги кунгача бажарган ишлари сарҳисоб қилинди. Эришган ютуқлари муносиб баҳоланди.

Танловнинг вилоят ва республика босқичида туманимиздаги 50-умумтаълим мактаби тарғиботчиси Абдуваҳоб Зарипов ғолиб бўлгани барчамизга

фахр бағишлади. Аммо тарғиботчилар орасида ўз вазифасини ҳали тўлиқ англаб етмаганлар ҳам кўпчиликини ташкил қилади. Кўрик-танлов ва бошқа тадбирларда уларнинг на ўзлари, на ўқувчилари иштирок этди. Масалан, тумандаги 6, 38, 67, 74, 76 ва бошқа айрим мактабларда фаолият олиб бораётган ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиларнинг ҳаракати суст эканлиги ачинарлидир.

Бунинг бир неча сабаблари бор, албатта. Масалан, баъзи мактабларда бу вазифага қўйилган ходимлар тез-тез алмашиб туради. Айрим таълим муассасаларидаги раҳбарлар ҳамкор ташкилотлар билан маслаҳатлашмасдан тарғиботчиларни ишдан бўшатиши, ўрнига бошқасини, адабиёт ва санъатга қизиқиши бўлмаган кимдир ишга

MATBUOT UYI

Zarafshon

С АМАРҚАНДСКИЙ ВЕСТНИК

MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 19 411 nusxada chop etildi. Buyurtma 319. Hajmi 2 bosma taqob, bichimi A-2

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56

BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.

Korxonalar manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da.

Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir: G'.HASANOV.

Navbatchi: T.SIDDIQOV.

Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV.

Bosishga o'tish uchun QR-kodni telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X

9 1772010667009

Sotuvda narxi kelishilgan holda